

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 256 (7. 345)



1990 йил 7 ноябрь, чоршанба


Баҳоси 3 тийин.

Байрамингиз муборак, азиз ўртоқлар!

ИНҚИЛОБ ШУЪЛАСИ СЎНМАЙДИ

Тошкент, 1990 йил 7 ноябрь

В. И. Ленин номли майдон. Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва халқ сайлидан репортаж



ОКтябрь ҳамиша биз билан

Ўзбекистон меҳнатқашлари анъанага кўра, Улуғ Октябрь санасини тантанали нишонламоқдалар.

6 ноябрь кунин Тошкентда В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйиш маросими бўлди. Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши жумҳурият ҳукумати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари номидан гуллар қўйилди. Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округидан, Тошкент вилоят партия қўмитасидан, вилоят кенгаши ва вилоят ижроия қўмитасидан, Тошкент шаҳар партия қўмитасидан, Тошкент шаҳар кенгаши ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитасидан, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашидан, Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитасидан ҳайкал пойига янги узалган гуллар қўйилди.

Кечқурун Ўзбекистон пойтахти жамоатчилигининг вакиллари, инқилоб, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари байрамона безатилган Навоий номли опера ва балет давлат Катта театрига келдилар. Бу ерда Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишни халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг раиси Тошкент шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби А. И. Фовилбеков очди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССЖ Вице-Президенти Ш. Р. Мирсаидов маъруза қилди. Улуғ Октябрь социалистик инқилоб халқ оммасининг ўз маънавияти учун, озолик, адолат, тинчлик учун курашининг қонуний натижаси бўлди. Улкан, қўпмиллатли мамлакатимизда янгилик гўлт мураккаб шароитда дарор топди: қаҳрамонона зафарлар бўлди, хатоларга ҳам йўл қўйилди.

Туркистонда Октябрь инқилоби туфайли Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ўлкада ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилишининг энг муҳим сиёсий шартини бўлди. Туркистон болшевиклари янги жаҳиёт барпо этиш дастурини рубога чиқариш юзасидан жуда катта бунёдкорлик ишларини амалга оширишга ҳам йўл қўйдилар. Улкан ютуқларга жуда қийинчиликлар билан эришилди.

Ўзбекистон меҳнатқашлари урушдан аввалги социалистик қурилишга, Улуғ Ватан урушидан қалбага, урушдан кейинги халқ ҳужалигини тиклашга салмоқли ҳисса қўшдилар. Фронт доирасидан кўчириб келинган ўн минглаб турли миллат кишиларига, болаларга ўзбек халқи берган ёрдам унутилмасдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда мураккаб ва ўзига хос жараёнлар рўй бермоқда. Эртанги кунга назар ташлар эканмиз, Иттифоқимизнинг келажиги қандай бўларини, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мустакил жумҳуриятларини нималар кутмоқда? — деган саволлар ҳаммамизни ўйлантирмоқда. Ўзбекистон ССЖ Президентининг Фармонларида, Ўзбекистон Олий Кенгаши ва ҳукумати қабул қилган ҳужжатларда, жумҳурият коммуналарида ХХII съездининг қарорларида жумҳуриятнинг нукта назари аниқ ифодаланган. Уларда Ўзбекистон ССЖнинг чинакам сиёсий суверенитетини ва иқтисодий мустакиллигини, жумҳуриятимизнинг ўзига хос шароитида бозор муносабатларига ўтишни таъминлашга қаратилган йўллар ва амалий ҳаракатлар белгилаб берилган.

Ўзбекистон кейинги йилларда қўпгина қийинчиликларга дуч келди. Маъмурий-бўйруқбозлик системасининг кўп йиллик ҳукмронлиги бу бордада ўз таъсирини қўрғатди: иқтимоий-иқтисодий ривожланиш қониқрили тарзда кечмади, айниқса Орол бўйида экологик вазият ёмонлашди, мол-пулу муомаласининг номуносиблиги кучайди. Барча салбий ҳолатларни бартафат этиш давлат ва ҳўжалик идоралари фаолиятининг услубида туб ўзгаришларни, жамоат ташкилотларининг бўлажак ўзгаришларда фаол иштирокини тақозо этиди. Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг сўнгги сессиясида жумҳурият халқ ҳўжалигини барқарорлаштиришнинг Асосий йўналишлари, унинг бозор иқтисодиётига ўтиш қондалари муҳомада қилинди. Бозор — шунчаки бир маъсад эмас, балки халқ турмушини яхшилаш, ўтир иқтимоий ва миллий муаммоларни ҳал этиш воситасидир. Янги муносабатлар босқичма-босқич, ўз имкониятларининг ва шароитларимиздан келиб чиқиб, шакллантирилади. Аҳолини, айниқса унинг нам таъминланган тоифаларининг иқтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш масалаларига асосий эътибор берилмоқда. Меҳнат жамоаларининг маънавиятини қўзғаб, мулкни хусусийлаштириш мўлжалланмоқда.

Жумҳурият бу йил қўлга киритган ютуқлардан фахрланмай бўлмайди. Қисқа муддат ичида беш миллион тоннадан ортиқ пахта ҳосилини йиғиштириб олган пахтакорларнинг ғалабаси айниқса муҳимдир. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонликларнинг қизгин, ҳалол меҳнати натижасидир.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССЖ Президенти, Ўзбекистон Компартияси биринчи котиби И. А. Каримов, Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондони И. В. Фуженко, Ўзбекистон ССЖ Президент Кенгаши ва жумҳурият ҳукуматининг аъзолари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюросининг аъзолари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

МАЪЛУМКИ, яқинда Москва ва Ленинград шаҳарларининг маъмурлари мамлакатимиз Президентига Октябрь инқилоби йиллигига фақат ҳарбий парад ўтказиш, меҳнатқашларнинг намоёниши аса ўтказмаслик таклифи билан мурожаат қилишди. Бу таклиф бошқа жумҳуриятларнинг бир қатор шаҳарлари янги шаҳар Кенгаши томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Лекин, серкўёш бизнинг жумҳуриятимизда бу анъанадан чекиммасликка қарор қилинди. Чунки Октябрь инқилобининг 73 йиллик байрамини таркиб топиб келатган ҳар йилги анъанага кўра, ўз мароми билан нишонлаш кайфиятида бўлган халқимиз уни қайта қуриш талабларидан келиб чиққан, ортиқча харажатларсиз, дабдабалардан холи нишонлашга азму-қарор қилган эдилар...

Дарҳақиқат, биз шундай байрамлар айёмида қилинган ишларни улуғ Ленин, Буюк Октябрь гошлари ва мезонлари билан ўлчаб одадлашиб қолганмиз. Бу бизнинг айни шу кунларимиз учун жуда ҳам керак ва зарурдир. Чунки халқ ҳўжалигини таъин вазиетдан узил-кесил қўтири олмаганмиз, молларнинг тақчиллиги жуда ҳам сезилиб қолди, жийноқчиликнинг ўсиши ҳар биримизни ташвишга соляпти. Биз байрам кунлариде ҳам шундай фактларни тилга олаётганлигимизнинг боиси шундаки, бу нарса қайта қуришнинг муваффақиятига, танланган йўлимизнинг ўзгаришига бўлган ишончимизга далолатдир.

Ўзбекистон пойтахти меҳнатқашларининг сезимли жойи бўлган В. И. Ленин майдони жуда кўпгина воқеаларнинг шоҳиди бўлган, бу ерда турли-туман тadbирлар ўтказилган, халқ сайиллари уюштирилган.

Улуғ инқилобининг 73 йиллиги арафасида ҳам бу майдон ўзгача тусда кўча ташланади. ССЖИ ва жумҳуриятимизнинг Давлат байроқлари кеч куз шабабасида майин ҳўлпирайди. «Совет ҳокимияти — халқ ҳокимияти» деган бағува қўнғиниғ тусидади. Майдонга тушаш Навоий кўчаси ҳам қизил байроқлар ва алвонлар билан безатилган.

...Эрталаб соат 10.00. В. И. Ленин ҳайкали пойига ҳукумат минбарига Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов, жумҳурият партия ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари, инқилоб, партия, уруш ва меҳнат фахрийлари, инқилоб чиқариш ишгорлари кўтариладилар.

Командалар янграйди. Шаҳарнинг Бош майдонига парад қўмондони — Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник И. В. Фуженко усти очиқ машинада кириб келади. Тошкент гарнизони бошлиғи вазиетини ижро этувчи округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари генерал-майор Е. Гайдуневич тантанали маршга қўшни турлари тахт турганлиги ҳақида рапорт топширади. Рапорт қабул қилингандан сўнг округ қўшинлари қўмондони парад иштирокчиларини байрам билан қўтлайди ва табрик нутқи сўзлайди. Табрикка жавобан саф тортган жангчиларнинг «Ура!» садолари янграйди. Кейин қўшинлар парад бошланади. Минбарлар оддидан мамлакатимиздаги энг кекса ҳарбий билим юртларидан бири — В. И. Ленин номлидаги Тошкент Олий умумқўшун командирлари билим юртининг курсантлари ўтадилар. Ушбу билим юрти тарбияланувчилари Ватанимиз озодлиғи йўлидаги жангларда ҳар томондан ўзларини кўрсатганлар. Майдонга бронетанк қўшинлари маршали П. С. Рибалко номлидаги Тошкент Олий танк командирлари билим юртининг курсантлари кириб келадилар. Катта сержант С. Ченалин, сержантлардан О. Анкин ва О. Аристов, курсантлардан О. Нурғалиев, О. Абдулмановлар ҳадемай ўзларининг курсантлик погонларини офицерлик погонига алмаштирадилар.



«ПАХТАКОР» ПРЕЗИДЕНТ ҚАБУЛИДА

6 ноябрь кунин Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов «Пахтакор» футбол командаси билан унинг мураббийларини қабул қилди.

Жумҳурият бошлиғи футболчиларимизни олий лигага чиқаришлари билан чин юрдадан табриклаб, Ўзбекистонлик миллиончи кишилар — спорт мухлислари пахтакорчиларининг муваффақиятларини диққат билан кузатиб борганликларини таъкидлади. Футболчиларимизнинг ғалабаси одамларга тегинлик ва яхши кайфият бахш этиди. Президент футболчиларимизнинг ҳозирги аълоди «Пахтакор» командасининг аввалги шон-шўхратини тиклайди. Ўзбекистонда спортнинг ана шу ва бошқа турларини ривожлантиришга

янги омил бағишлайди, деб умид билдирди.

Команда раҳбарлари, футболчилар самимий табрик сўзлари учун миннатдорчилик изҳор қилдилар, эришилган муваффақиятини мустаҳкамлабгина қолмай, спорт соҳасида янги-янги ютуқларга кўтарилиш учун кўпгинадан келган ҳамма ишнин қиламиз, деб ишонтирдилар. Қабул маросимида жумҳурият Вице-Президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Тошкент шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби, Тошкент шаҳар кенгашининг раиси А. И. Фовилбеков ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

Тонгги рўзномаларда

© Кеча Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилиш ҳақидаги ҳисобот рўзномаларнинг навбатдаги сониде аълон қилинади.

© Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг

73 йиллиги муносабати билан 1990 йил 6 ноябрда Ўзбекистон ССЖ Президенти И. Каримовнинг Фармонларига биноан Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан катта ҳўжуга Ўзбекистон ССЖнинг Фахрий унвонлари берилди, бир қанча ветеранлар Ўзбекистон ССЖнинг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар. Мазкур Фармонларнинг матни бугун тонгги рўзномаларда берилган.

Биродарлашган шаҳарлар дўстлиғи

МАРОКАШДА ТОШКЕНТ КУНЛАРИ

Тошкент билан биродарлашган Марокаш шаҳрида (Марокаш) Ўзбекистон пойтахти кунлари очилди. Бу ерда Тошкент шаҳар ижроия раисининг ўринбосари К. Р. Расулов бошчилигидаги делегация келди. Унинг таркибиде шаҳар Кенгашининг депутатлари, шунингдек маданият тождимлари бер.

Тошкент билан Марокаш 1981 йилдан бери дўстлашиб келишади. Шундан бери биродарлашган шаҳарлар маданият арбоблари, муниципалитет аъзолари делегацияларининг учрашувлари бўлиб ўтди, кўргазмалар айирбошилди. Уч йил муқаддам Марокаш ҳокими, Марокаш парламентининг депутати М. Уаф Тошкентга келганда муниципалитет аъзолари Тошкент шаҳар Кенгашининг шаҳар транспорти системасини таъмин этиш, кўнламасор лаштириш борасидаги тажрибасини синчилаб ўргандилар, деб таъкидлаган эди.

Бу сафар Тошкент вакиллари марокашликларни му

север Т. Мирралимовнинг асерлари кўргазмаси билан таништирдилар. Айтмоқчи, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамаиятининг ёрдамида Марокашда Ўзбекистон ёш мусавирларининг кўргазмаси ўтказилиб, ана шу мамлакет аҳолиси биринчи марта ўлкамиз замонавий тасвирий санъати билан кенг танишиш имкониятига эга бўлган эди. Бу сафар санъат усталарининг концертлар беришади, шаҳар Кенгаши депутатларининг муниципалитет аъзолари билан, Марокаш аҳолиси билан учрашувлари ва суҳбатлари бўлади.

Э. АЛИЕВА.

БИЛДИРИШ

1990 йил 12 ноябрь соат 15 да Тошкент вилояти партия комитетининг мажлислар залида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари IV сессияси бўлди.

Кун тартиби:

1. 105, 165, 171, 193-сайлов округлариде ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига 1990 йил 28 октябрда бўлиб ўтган такрорий сайловларда сайланган Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларининг ваколатларини тўғри деб топиш ҳақида.
2. Жийноқчиликка ва ҳўжўқ бузилишларига нарши курашини кучайтириш юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг тadbирлари режаси ҳақида.

Тошкент шаҳар Кенгаши Раёсати.



Ҳамшаҳарларимиз

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» УНВОНИ БЕРИШ ТУҒРИСИДА

Ун ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» унвони ҳамда «Қаҳрамон она» ордени берилсин:

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН РАСУЛОВА Маъмура Жалиловна — Чилонзор районидан, уй бекаси.

ҲОЖИБОЕВА Марҳамат — Киров районидан, уй бекаси.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 24 октябрь.



— ОТА-боболаримиз хуб тоғиб айтишган экан шу гапни, — дейди Маъмура она Расулова табассум билан. — Мана меннинг ўзимдан сўрасангиз бири-биридан ширин ва ардоқдан фарзандларимни камолда етказиб турганимдан жуда ҳам мамнунман. Тўғри, ун битта фарзандни тарбиялашнинг ўзи бўлмайди. Лекин турмушдан ҳеч ноқиймайман. Умр йўлдошим Носир ака билан фарзандларимни оқ юзиб, оқ тараб волга етказмоқдамиз. Улар бири-кетини ёнимизга киришиб оғиримизни енгил қилишяпти...

Маъмура она билан суҳбатимиз узоққа чўзилмади. Чунки ўзингиз биласиз, ун бир фарзанд ташвиши билан, уй-рўзгор юмушлари билан банд бўлган ҳар бир онанинг иши бошидан ошиб ётади. Шу босдан Маъмура она билан суҳбатимиз фарзанд тарбияси, уларнинг камоли ҳақида бўлди.

Қизил Шарף даҳасидаги 13-уй, 25-хонадонда яшовчи Маъмура она ва Носир аканинг фарзандлари эл-юрт

хизматига камарбаста бўладиган Янгит ва қизлар бўлиб вояга етишяпти. Қизлари Мунира ширинпаз, Гулнора чеварлик касбини эгаллаган. Қолганлари мактабда ўқишяпти. Рихсвий, Мастура, Баҳодир, Нилуфар, Умида, Фарҳод, Азамат, Қаҳрамон, Маррифат... Бу фарзандларнинг ҳар бири билан гаплашсангиз бир олам хузур қиласиз, уларнинг болалик орау-ҳавасларидан ошно бўласиз. Шу тобда кўнглингиздан ёқимли бир ҳис: яхши ниёт, ширин орузлар билан фарзандларини тарбиялаётган уларнинг ота-оналари болаларининг бахт ва саодатини, роҳатини кўрсин деган эзгу ниётлар кўнглингиздан кечади...

МАРҲАМАТ она Ҳожибоеваларнинг оиласи ҳам ҳавас қилса, ибрат олса арзийдиган оналар сирасига қиради. Марҳамат она турмуш ўртоғи Аҳмаджон ака билан бирга ун фарзандни вояга етказмоқда. Эрта билан оилада болаларнинг чўғур-чўғури бошланади, бири

инга, иккинчиси мактабга отланшга шайланади. Вовидан меҳрибон эса болаларининг чиройли кийиниши-ю, эрта билан яхши нонушта қилиб кетиши тадоригини кўради. Яна дег уй-рўзгор ташвишлари ота-она гардида. Лекин ҳамма-ҳаммасига улгурин керак.

— Мен уй бекаси сифатида рўзгор юмушлари билан банд бўлман, — дейди Марҳамат она Ҳожибоева. — Турмуш ўртоғим Аҳмаджон ака эса районимиздаги маданият уйида мусика раҳбари бўлиб ишлайдилар. Хуллас, икки ёрти бир бутун деганларидек, эр-хотин болалар тарбиясига ҳам, рўзгор муаммоларини ҳал эттишга ҳам вақт ва иконтинг толамиз. Фарзандларимиз ҳам ёнимизга кириб қолсинди, улар оғиримизни енгил қилишяпти.

Юнусобод даҳасининг 15-мавзесидаги 63-уй, 35-хонадонда истиқомат қилувчи Марҳамат она айтганларидек бу оилада ҳам бири-бирдан одобли фарзандлар вояга етати, Аҳмаджон, Мастура, Манзура, Аваз, Азизжон, Аъзамжон, Ақромжон, Маҳфуза, Масто

на, Қаҳрамон... Булар севиб ва ардоқлаб камолга етказиб уларнинг фарзандларидир...

«Ун ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» унвони ҳамда «Қаҳрамон она» ордени берилсин...» Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президенти М. Горбачевнинг шундай сатрлар билан бошланган Фармонида тилга олиб ўтилган ва бугун биз улуг айём кунда Сиз, азиз ҳамшаҳарларини таништирган янги Қаҳрамон оналар — Маъмура Расулова ва Марҳамат Ҳожибоеваларни ана шундай юксак унвон билан чин дилдан муборакбод этами!

Саид ЕДГОРОВ.

© СУРАТЛАРДА: Қаҳрамон она Маъмура Расулова (чапда) ва Қаҳрамон она Марҳамат Ҳожибоева (ўнгда) — фарзандлари даврасида.

Т. Каримов суратлари.

ЎНТА БЎЛСА ЎРНИ БОШҚА

ҚАВАТЛАРДА ШОДИЁНА



Лавҳа



● Яқинда Москвада ССЖИ Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда жумҳуриятимиздан сайланган депутатлар қатори Тошкент тўқимачилик комбинатининг лешқадми йиғирувчиси Дилбар Қосимова ҳам бор эди. Шунингдек, куни кеча ўз ишини тугатган Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси ишда эса

Ўзбекистон ССЖ халқ депутати, «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Абдували Ғулломович Ғулломмаҳмудов ҳам қатнашди. Мухбиримиз ҳар иккала депутат билан учрашиб, депутатларнинг Олий кенгаш сессияларидан олган таассуротлари билан ўртоқлашди.

Дилбар ҚОСИМОВА:

— Аввало шунга айтишим керакки, сессия кун тартибига қўйилган масалаларнинг ҳаммаси ҳам долзарб. ССЖ Олий Кенгашининг ёшлар иши бўйича комитетига аъзо бўлганим учун ҳам улардаги ҳар бир масаланинг моҳитини чуқурроқ тушунишга ҳаракат қилдим. Биз депутатлар кетга йиғилишда ССЖ Иттифоқи ва иттифоддош жумҳуриятлар аҳолисини иш билан таъминлаш ҳақидаги ССЖ Қонун лойиҳасини ишлаб чиқдик. Бу лойиҳадан асосан корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинган соҳиллар, ССЖ Иттифоқи ва иттифоддош жумҳуриятларнинг ер ҳақидаги Қонуни асослари ҳамда ССЖИ Қонунига киритилган баъзи бир ўзгаришлар наби энг

лан корхона ва муассасаларда тепапент меҳнат қилаётган аёлларимиз ишини кузатиб, бу Қонуннинг нақадар зарур эканини яна бир қарра ҳис этдим. Бинобарин, куни-кеча ўз ишини тамомлаган жумҳуриятимиз Олий Кенгаш сессиясида ҳам аҳолини иш билан таъминлаш, ишда банд бўлган шахсларни иктымол ҳимоя қилиш ва жумҳуриятимиз иқтисодийтини барқарорлаштириш ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш ҳақидаги масалалар кўриди. Ўйламанки, буларнинг ҳаммаси шубҳасиз, эртанги фаровон турмушимиз, иқтисодий мустақиллигимиз учун хизмат қилади.

Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ: Бу анжуманда Вазирлар Кенгашининг Президент Кенгаши билан бирлаштирилиши, уларнинг эндиликда жумҳурият миқёсидаги улкан вазифаларини ҳамкорликда бажариши менга маъқул бўлди. Шунингдек, Олий Кенгаш сессиясида кўрилган масалалардан энг муҳими, бу — миллияни ходимларини хуқуқий ва иктымол жиҳатдан ҳимоя қилишни куचाйтириш ҳақидаги Қонун бўлди. Унинг муҳимлиги шундаки, биз халқимиз осойишталиги ва давлатимиз ҳавфсизлигини таъминловчи миллияни ходимларини асрашимиз зарур. Сессияда миллияни ходимларига таъвоуз қилган ҳар қандай жиноятчига нисбатан кескин чоралар кўриш, уларга ҳатто уч йилдан беш йилгача муддат қамоқ жазоси белгилаш каби билан Қонунга киритилди. Ўйламанки, жойларда бу Қонун кучга киритилмас, жиноят содир этганлар шу Қонун асосида жаъоламаса, бу ҳам аввалгидек фақат қозғола қилиб кетади, натижада яна бошқа жиноятларга йўл очиб беради. Қисқаси, жиноятчига қаттиққўллик билан муносабатда бўлмасан Қонун ўз кучини йўқотди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш масаласи жуда кўп муаммолар билан боғлиқ, менимча. Жамиятимиз иқтисодиёти ноҳор аҳволга тушиб қолган бир пайтда бу ишга ҳал этиш ҳам анча мушкул. Чунки айни дамларда Иттифоқда ҳам аҳвол оғир. Ҳал қилинадиган муаммолар бехисоб. Бу ҳақда Кенгаш йиғилишида ҳам алоҳида таъкидланди. Бозор иқтисодиётига ўтиш борасидаги амалий ишларимиз жуда суст. Айниқса, Савдо вазириликларининг иши, озиқ-овқат таъминоти масалалари кўнглингиздек ҳал этилмаяпти. Мана шу ишлар яхши йўлга қўйилиб, савдо ресталари ва пештахталар аҳоли учун зарур нарсалар билан таъмин этилгандагина сенни-асталик билан иқтисодиётимизни тиклаб, янгича услубда ишлашимиз мумкин бўлади. Фақат шундагина халқ фаровонлиги ва унинг моддий турмуши бирмунча яхшиланади, деб ўйлайман.

Жумҳуриятимизнинг бўлиб ўтган бу анжумани ҳар биримизнинг кўнглимизда қўпдан бери йиғилиб қолган муаммолар масалаларининг рўй-рост айтилишига омин бўлди, десам адашмайман. Сессияда деярли ҳар бир депутат ўз сўзини айтишга, фикр билдиришга интилади. Баҳс ва мунозара, қизгин тортишувлар асосида ўтган сессиямиз якунидан қаноат ҳосил қилдик. Бироқ, қабул қилинган қарорларнинг амалда бажарилиши, уларнинг қозғола қилиб кетмаслиги тарафдоримиз, албатта.

Депутат сессиядан қайтди

Энди навбат — қарор ижросига

муҳим масалалар жой олган. Менга аҳолини иш билан таъминлаш ҳақидаги Қонун лойиҳасида айтилган фикрлар маъқул бўлди. ССЖИнинг барча фуқаролар — ёши, жинси ва этникидан, ҳам сиёсий қарашлари ва қайси миллатга мансуб эканидан қатъи назар меҳнат қилиш хуқуқига, ўз касби ва мутахассислиги ва истеъдодига яраша иш таъинлаш хуқуқига эга, — дейлади. Бунинг ҳам бевосита жумҳуриятимизга, унинг бугунги иқтисодий ҳаётига оид масала дейиш мумкин.

Лойиҳанинг ишда банд бўлган ССЖИ фуқароларини иктымол ҳимоя қилиш таъминлаш бўлимида меҳнат фаолиятдан манфаатдор шахслар жумласига киритилган учта ва ундан ортиқ фарзандни туғиб тарбиялаётган оналарини ҳам кўп болали оналар сафига қўшиб, касалманд ва ногирон болаларга қараб, уларни тарбия қилаётган оналар ҳам ишда банд фуқаролар, деб ҳисоб қилиниши ҳамда уларни турли нафақалар билан таъминлаш хусусидаги гаплар ўйламанки, даставвал бизнинг жумҳуриятимиз аёлларига, кўп болали онахоналаримизга ҳам тегишли. Бу ҳақда аввалги сессияларда ҳам айтилди. Шуларнинг муваффақиятли натижаси ўларок, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш юзасидан бир қатор қарорлар чиқарилди. Жумладан, уч ёшгача фарзанди бўлган оналарнинг нафақалари оширилди, кўп болали оналарга қўшимча нафақалар белгиланди, ногирон ва касалманд болаларга дори-дармонлар бепул бериладиган бўлди, мактабларда эса бошланғич синф ўқувчилари учун бепул овқат ташкил этилди. Кўп болали оналар ҳам асосан бизнинг жумҳуриятимизда кўпчиликни ташкил этади. Москвадан қайтгач, мен арнажлар би-

ҲАР байрам кунларида


шарҳимиз янада гўзаллашиб кетади. Неон чироқлар билан ёритилган кўчаларга алвон байроқлар узукка кўз қўйгандек ярашиб тушади. Осмонлар мухташам бинолар янада сервикор кўринади, кўри ва салобати билан диққатингизни ўзига жалб этади. Шаҳримизнинг Ҳамид Олимжон майдонидан ўтганда кўч-кўрон ортан машиналар «Дўстлик» комплекси томон боришган экан. Қизқиб улар билан изма-из юрдик. Катта майдон одамлар билан тўлган. Улар орасида қайси миллат вакиллари йўқ дейсиз? Ҳамманинг юзидан қувонч барқ уради. Меҳрибон кўшиллар бири-бири билан шу ернинг ўзида танишишади, кўчларини хоналарига олиб чиқишда ёрдамлашади. — Ассалому алайкум,

қўшиқин.

— Ваалайкум ассалом. — Келинг, ёрдамлашиб юборай. — Барака топинг, сизни овоза қилиб қўймаймизми? — Овозаси борми бир жойингиз одами... Яна қаердандир тушиликка чорловчи овозлар янгради. — Бир пиёла чойимиз бор, қўшиқин. — Дастурхонимизга ўзлари марҳамат қилсинлар. Кўп ўтмай ари уясидек гавжум майдон ҳувиллаб қолди. Кўнглингиздан кўен қочиб қутилмагандек бири-бирларининг ёрдамида янги уйга кўчиб келган оналар кўч-кўронларини ўз қоналарига жойлаштириб олишди. Кечоғина ҳувиллаб турган осойишта хоналар бугун гавжум, бахтиёр оналарнинг шўх хандон кулгисидан жаранглади. Бир йўла фойдаланишга топширилган бу тўртта бино-

нинг иккитасига одамлар

кўчиб киришмоқда. Уни «Висотстройнинг» 11-трестига қарашли 17-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қўриб битиришди. Биноларга кўчиб кириётган оналар бугунги кунда уни бунёд этишда фаоли иштирок этган Борис Қизабоев, Жалил Қоёмов, Александр Павлов сингари ўз касбининг усталари бошчилик қилган бригада аъзоларининг меҳнатидан бениҳоя миннатдордирлар. Биз рўпарамиздан келаётган нуруний кишини суҳбатга тортамиз. — Ўзингизни таништирсангиз, — Сергей Смирновман, Тошкент машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб пенсияга чиққанман. — Нечанчи қаватдан сизга уй тегди? — Иккинчи қаватдан. Лифт ишлаб тургандан кейин қаватларнинг ҳам фарқи



бўлмас экан. Энг муҳими кўшиллар билан чиқишиб кетишда. Ахир ўзбеклар «Ен қўшни, жон қўшни» деб бекорга айтишмайдику. Бошқаларни билмайману, лекин мен қўшиқдан ёлғизим. Чунки Собир Ахиллов билан туғишган ака-укадемиз. Икковимиз бир корхонада узоқ йиллар бирга ишлаганмиз. Тақдирини қарангки, иккаламиз қутилмаганда кўшни бўлиб қолдик. Қани иккарига кириш. Бир пиёла чой дегандек.

Биз отахонга миннатдорчилик билдириб юқори қаватларга кўтариламиз. Таваккал қилиб 30-хонанинг кўнгиригини босамиз. Рўпарамизга ўрта ёшлардаги кўнглимизни бир аёл чинди. — Келинлар, хизмат? Мақсадимизни айтганимиз, у қувониб кетди.

— Жуда яхши келибсизларда. Рўнома орқали қурувчиларга шахсан меннинг миннатдорчилигимни билдириб қўйишларингизни истардим. Шундай кенг, ёруғ ва мухташам уйларни қўриб берган бунёдкорларимизга минг раҳмат.

Зинфия Абдулаеванинг миллияти татар. Унинг ўзи ҳам қурувчи бўлиб ишларкан, аниқроғи пардоз ишларини бажаради. Уч ўғил-қизининг онаси бўлган бу аёлнинг турмуш ўртоғи ҳам қурувчи.

— Болаларимиз ҳам бизнинг касбимизни ёқтириб қолган. Ҳозир иккита қаттаси ҳуна-техника билим юртини битиришиб, турли қурилиш ташкилотларида ишлашапти, — дейди Зинфия она. — Яқинда набиралик бўлди. Чилонзордаги икки хонали уйимиз тордир

қилиб қолгани учун бизга мана шу жойдан тўрт хонали уй беришди.

Саид Толипов билан еттинчи қаватда танишдик. У қўнғида-қўймай бизни ўз хонасига бошлади.

— Меҳмон отангдан улуг, деган гап бор. Уйга кирайлик. Уша ерда ҳар қанча гап бўлса гаплашаверамиз. Асли фаронгалик бўлган бу йигит, «Компрессор» заводида ишлар экан. Тўрт кишилик оилага икки хонали уй тегибди. У бизни хоналарни кўришга таклиф этди. Кенг зал ва ётоқхонадан иборат бўлган хоналардан ўзига хос ёқимли ҳид таралади. Ўчоқбоши ҳам анча кенг. Бу ерда бемалол ўтириб овқатланса ҳам бўлади. Хуллас, Саид ака ҳам қурувчиларга бўлган миннатдорчилигини билдириди.

Шу кунги биз 2-уйнинг 39-хонасига кўчиб келган шифофор Раҳима Муталова ва эр-хотин Ваҳодир ва Муборак Исмоиловлар билан ҳам дилдан суҳбатлашдик. Кеч кирди. Хоналар одамлар билан гавжум. Дераза ойналаридан қўнғи ташлаиб турган чироқлар ёдуси тобора ёркиллашиб боради. Қаватларда шодиёна. У тонгача давом этади. Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

© СУРАТЛАРДА: Фойдаланишга топширилган «Дўстлик» комплексида лавҳалар: 31-хонадонга кўчиб кирган ҳамшаҳримиз Муборак Исмоилов; бош пудратчилар ишбоши Нодир Хонхўжаев билан қурилиш устаси Баҳром Юсупов янги уй қалитлари билан. Х. Мирзақаримов суратлари.

Суҳбатдош Зулфия ДУСМУҲАМЕДОВА.

Менга сўз беринг

ДАВРИМИЗ ДАЪВАТИ

ТУНДА самога кўз ташласангиз, сон-саоқисиз юлдузларда нигоҳингиз қотаяди. Улар милт-милт этганича ерга тикилиб турганга ўхшайди. Уларни кўкка кўз-ғатмай миклаб, ушлаб турган қудрат — тортишиш кучи. Агар шу куч бўлмаганда эди, юлдузлар бамисоли ёмғирдай тўқилиб, замин аллақачон кунпая-кун бўлар эди, тун билан тонгинг ҳождати қолмасди. Тортишиш кучи осмоннинг олмос камари десак тўғри бўлади.

Одамзоднинг чир? Одамзоднинг ҳам шундай олмос камари борми? Шу камари уни ҳам тундек тўқилиб кетишига йўл қўймайдими?

Одамзод ҳам аслида юлдузлар мисоли. Улар фақат ер юзидagi юлдузлар, холос. Улар тўқилса дунё ҳувиллаб қолади. Одамзоднинг олмос камари дўстлиги, меҳр-муҳаббат, уларнинг меваси бўлиши — тинчлик.

Қайси қадимий қўлэмаларни варақламанг, алломай замонларнинг битикларини ўқиманг, улардан бир кутлуғ нидо келади: насли башар қўли кўла беринг, дилни дилга беринг, ёвузлар кутқусига уманг, йўлингиз ёруғ, эртангиз нурли бўлади.

Биз ҳозирги талотўп замонда яшаётган авлод ана шу муборак васиятларни бажарувчи, уларга амал қилувчи авлод саналамиз. Шунга интилятимиз, шунга бел боғлаганмиз. Худди шу аснода йиллар ва йилларни сарҳисоб қилмоқ, на-зардан ўтказмоқ жоиз.

Бизлар онадан тўғилиб илк бор қилган машқимиз амаклар юришни ўрганиш бўлди. Она Ер бағрига жажки қўларимизнинг, кўзларимизнинг оёқларимизнинг шакли нақшланган.

Сўнгра гоҳ юришни ўргандик. Пилди-раб худди ирмоқдек, худди шаббададек ҳали гулзорга, ҳали ўтлоққа югурар эдик. Олис-олислардаги уфқлар ортида тикилиб, у ерда нима борлиги, не сир-синоатлар яшириниб ётганини билигимиз келарди.

Сўзларни ўргандик. Дастлабки сўзимиз «Она», «Ватан», «Эртон», «Нон» бўлди. Саволларимизнинг чеки йўқ, жа-воблардан қаноатланмасдик. Онанзоримиз бечора жабо тополмасдан ҳалак бў-ларди.

Ўқишни, ёзишни ўргандик. Дастлаб «Она», «Ватан», «Нон», «Дўстлик», «Тинчлик», «Ленин» сўзларини ёздик. Оғимизга муҳрадик.

Яхши-ёмонни ажрата бошладик. Даст-лабки хулоса: айтганимни қилмади — бу ёмон одам, гапимни қайтармади — бу яхши киши. Демак, қонимизда, вужуди-мизда аста-секин яхшилик ва ёмонлик, мардлик ва номардлик, ёвузлик ва му-руват, ҳақиқат ва ноҳақиқлик уруғлари ниш ура бошлади. Барча сирларни, муам-моларни еча бошладик. Олам худди дас-турхондек кўз олдимизда ёзил бошлади. Ундаги анвойи ноз-неъматлар — яша-

шимиз, тирикчилигимиз манбаига айланди. Биз эса дастурхондан Инқилобни таллаб олдик. Инқилоб йўқни бор, қорани оқ, тунни тонга айлантиришига ишончимиз комил эди. Инқилобдан кейин филофи жонларнинг, тўқилган кутлуғ қонларнинг гувоҳи бўлдик. Уларнинг ҳаммаси азгу-лик учун, келажак учун, наслу насаби-мизнинг бахти учун фидо бўлганга шубҳа қилмадик. Чунки азгулик дастур-хондан биз ажратиб олган неъматлар бир-бирига маҳкам боғланган эди: Бир-дамлик, Тинчлик, Дўстлик, Қардошлик, Меҳнат, Бахт-саодат. Шу сўзларни бай-роқдек тутиб етмиш йил яшадик. Хазон-рез баҳорларни, гуллаган қушларни бош-дан кечирдик. Ва ниҳоят асримизнинг тўқсонинчи йилга етиб келдик.

Нима билан етиб келдик? Ёвузлар қора ниятлар парчалаб ташлашга урин-ган дўстлик, беором тинчлик билан, чо-чокдан сўқиллаб деб турган қардошлик билан, марвариддек тер тўқиб қилинган меҳнат, эришишимиз хоёр амримаҳол туолаётган бахт-саодат билан келдик.

Энди нима қиламиз? Энди нима бўла-ди? Эртанги кун қандай келади? Бу са-волларга жавоб битта: барибир яшамоқ керак. Лекин энди эскича яшаб бўлма-ди. Ягона йўл, ягона наҳот — яна дўст-ликда, қардошликда! Беш панжадек ёзилган қўларни яна бирлаштиришда. Улуғ инқилоб худди шунинг учун бўлди.

У рус халқи ёки ўзбек халқи учун, ёхуд қирғиз халқи учун оламга бонг урмаган. Инқилоб миллатидан қатъи назар ин-сон учун, инсонларнинг манглайи яри-роқ бўлиши учун амалга оширилди. Бу доҳий Лениннинг ягона ораси, ягона нияти эди. Буни ҳар лаҳзада эслаб ту-ришимиз ҳам фарз, ҳам қарз.

Бугун байрам тонги отди. У ҳамма тонгларга ўхшаш фазайиб, ҳамма тонг-ларга ўхшаш яловбардор тонг. Лекин бу тонгнинг бир афзаллиги бор: у дўст-лик, қардошлик, миллий тенглик, қад-риммат бизга нақадар зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Умр баланд-пастликда, ўру жарда, сахрою водийда кечди. Демокриманки у бир зайлда ўтмаган, ўтмайди ҳам. Ленин дўстлик ҳамма ерда керак. У — нурамас кўприк, у — муқаддас тўйғу.

Азиз ҳамшаҳарлар! Қалбимиздаги муштарак туйғулар дўстлик, меҳр-муру-ват ришталарини маҳкам улаб яшамоқ пайти ҳозир. Мен шахримизнинг Ленин номли бош майдони узра қиллираётган алвон байроққа қараб, шуларни ўйладим. Намойишга чиққан минг-миглаб ҳам-шаҳарларим чехрасида шуларни ўқидим. Зеро, тинчлик ва дўстлик — осуда яша-моқ камол топтоқнинг асосий гаровидир.

Бу — давримизнинг даъвати!

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ, ССЖИ Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

ҲАР йили байрам кунинда бир воқеа беихтиёр ёдимга тушади. Ҳозирги Охунбоев кўлидаги «Олмазор» маҳалласи «Қизгалдоқ» деб аталарди. Кўчалари кенг бў-либ, терак ва тоғлар турарди. Бизнинг эшигимиз тағди эса эски бир тўнка бор эди, буювим у ерда ўтирганча кимнидир кутарди. Умид билан кутарди, кутиб толиқ-масди. Буювим урушда бедарак кет-ган ўғлини, жигарўшасини кутар-ди? Ҳатто бирор ёққа меҳмонга боргудек бўлса ҳам у ерда кўп қо-либ кетмасди. Назарида паҳлавони уйга келгану уни кутиб турган-дек...

Бир кун мектабдан қайтсам бую-вим жуда хурсанд, соғинчдан аянки тушган юзларини, маънос бокучи кўзларини умид билан порлаб туриб-ди. Мени кўришлари билан айтган сўзлари шу бўлди:

— Болам, дарров ҳовлига сув секиб супургин-да супага жой қил-гин, тушимда Комил амакингни кў-

рибман, келиб қолади-ёв, бўлақол. Мен ўйинчароқ ўшанда буюми-нинг топиригини ётирмайгина бажардим, чунки бу нарса такро-р-лавериб мен учун қизиги қолма-ган эди.

Қатра КУТИШ

Ўша кун ҳам шундай бўлди, кеч кирди, кечаси ҳам бўлди, ле-нин надоматлар бўлсинки, биз орзиқиб кутган инсон келмади...

Бир кун буюим мени секин ён-ларига чақирдилар-да, бир қўтини очилишни буюрдилар. Ундан сар-гайиб кетган рўмолчани оҳиста ол-дилар. Рўмолча ичидан бир ши-

нелли солдатнинг сурати чиқди. Буюжимон эса суратга тинилганча: — Болам, қани энди, ўзингни бир марта бағримга боссаму, ўлсам армоним йўқ эди, дея фарёд чекди! Мен бу буюимнинг сўнги умиди эканлигини билмаган эдим...

Буюимни сўнги йўлга қузатар эканмиз, «Буюжон» деб эмас, «қардасиз, Комил амаки, тезроқ кела қолсангиз-чи!» дея йилгардим.

Орадан кўп йиллар ўтди. «Қиз-галдоқ» маҳалласи «Олмазор» но-мини олди. Толу теракларни эса кесиб ташлашди.

Кичик ўғлимнинг исмини Комил қўйдик. Ана у кўчадан чопиб ки-риб келди. Уни бағримга босдим-у йилгаб юбордим...

Бугун байрам беихтиёр яна бую-вимни, Комил амакинми эсладим!

Марҳамат УСМОНОВА, Тошкент металлди қайта ишлаш бирлашмаси ишчиси.

Хоҳ ишонинг, Хоҳ...

«Обихаёт дориси»

Қадимги Миср, Вавилон, Греция ва Рим манбаларида турли ажойиботлар ҳақида эсдаликлар қолдирил-ган. Уларда абадий ҳаёт сирини очишга бел боғлаганлар, қан-дайдир маҳкам тоғиб кўзга кўринмас бўлган одамлар, асрлар оша яшайдиган секрларлар ҳақида маълумотлар берилган. Уларнинг қай бири афсона, қай бири ҳақиқат ажратиб қийин.

1347 йилда араб олим Ибн Батута икки сайёҳ билан суҳбатда бўлганини, улар абадий ҳаёт сирини очиш учун узоқ Хитойга сафар қилётганликларини ёз-ган. Бъан манбаларга кўра Александр Маке-донский Ҳиндистонга абадий ҳаёт бахш эту-ви суи учун юриш қил-генини эслашди. Чингизхон ҳам бу масе-лага қизиққан. У хитой-лик будда монахи Ченг-Чунь билан ана шу ҳақида суҳбатлашган. Абадий ҳаёт сувини из-лаб неча-неча қаров-лар, қатор-қатор кема-лар йўлга чиққан. На-тижада янги ерлар ҳам кашф этилди. 50 йил-бой зодагон Поне де Леон абадий ҳаёт суви-ни излаб юштирган экспедиция Флорида-ни (1512 йил), афсона-вий Бимини оролини кашф этган.

Узоқ сафарлардан са-мара бўлмаган, одамлар энди бу маҳамани ўз-лари кашф этишга ки-ришишди. Абадий ҳаёт орасидаги уринишлар энди туб ўзгаришлар, кашфиётлар асрини бошлаб берди.

Биринчи бўлиб «оби ҳаёт» дорисини фойласуф Чинг Дас-ми тайёрлади. 60 йил-да уни синаб кўрд. На-тижа ёмон бўлмади. У 123 йил яшди. Венеция-лик зодагон Карноро (1464—1566 йил) абадий яшаш сирини кишининг таомлида деб қаноат-ли оқлатганига кир-ишди. У парҳеда яш-аб 102 йил умр кўр-ди. Манбаларда аба-дий деб аталувчи фран-цуз кироси Людовик XI тошбақа қони узоқ умр кўриш дориси деб уни ҳар кун ичган. XV ас-рда яшаган француз оли-ми тухум саринини оқидан ажратиб сува-га қоритишган ҳолда «ҳаёт маҳамани» тай-ёрлаган.

Бундай дори, сув, қорималар ҳамма вақт ҳам ижобий натижа бе-рермаган. Рим папеси Иннокентий VIII одам қонидан «оби ҳаёт» тай-ёрлаб ўз томирига қуй-дирганда тўсатдан ва-фот этган. Бундан қатъий назор ибтидоий алхимия ва фармацевтика тарқ-қий қилверган.

Фойласуф, тарих-чи Демосфенинг ёзи-ши, Литариус деган ҳукмдор 200 йил, Крит оролида яшаган шoir Эдмунд эса 300 йил умр кўрган. Португа-лий тарихчиси қолдир-ган эсдаликка кўра эса у 370 йашаган одам билан суҳбатлашган. Ту-рида нахш этилган бир китобда Гоа оролида 400 йил яшаган одам эслашган. Ҳиндистон-да яшаган тақводор му-сулмон ҳам тўрт аср умр кўрган, ҳатто яшаган йиллари (1050—1433 йил) ҳам кўрсатишган. Тапасвиди исми ҳинд ражаси 200 йил умр кўриб, қизик маълумот қолдирган. У Ҳимолай ёнбағрида бир мўй-сафдини учратиб суҳ-батини олган. Қария у билан 5 минг йил аввалги ҳинд тилида суҳбатлашган. Раджа бу ҳақда мўйсафидга эс-да қилганда кулиб 5000 йаша кирганини айтди.

Оби ҳаёт маҳамани ту-файли шу йшга яша-ётганини гапириб, ўз сирини пинҳон тўта-ганини билдирган. Юз йил яшаган Де-монрт узоқ умр геро-ви — баданни ёглаб, асални мунтазам ис-теънол қилишда, деб таъкидлади. Чанг-у-борси инсон минг йил яшайди, деб Абу Али Ибн Сино майдонга чиқди. Инсон аюжуд ортиқча иллатдан холис бўлса бир неча юз йил яшашини Роджер Бэкон таъкидлади. Ҳаёт муҳим чегарига эга эмаслиги ва одамлар минг йилга қадар ҳаёт кечришля-ри муҳарраблрига Бен-жамин Франклин, Кон-стантин Циолковский-лар умид билдириш-ган.

Ҳамдам СОДИҚОВ тайёрлаган.



Ҳаётнинг шодлиги, ақли, одобни, Умригаз чироғи, оғи, офтоби, Муаллими ўшқини аср китобини Сиз, отахонлар!

Қардошлик қудрати — буюқ Инқилоб, Шу кучга ёв ҳам берилмади тоб, Битмас хазинаси: бебаҳо, ноёб — Сиз, отахонлар!

Куррани кўтарган қадок кафтида, Истибб олами юрак тафтида, Доим омон бўлинг дўстлар сафрда — Сиз, отахонлар!

ШУЛАРНИ назарда тутиб, мухтарам муштараклар билан мазкур ойнома саҳифаларини биргаликда варақлаб чиқишга қарор қилдик. Бундан мақ-сад биринчидан, ойнома хусусидаги маълумотларни бир қадар тўлдириб бўлса, иккинчидан, уша алағани йил-ларда матбуот соҳасида хизмат қил-ган, жипла курси унда ўз мақолалари билан иштирок этган кишилар номини яна бир бор хотирлашдан иборат-дир.

«Учқун» ойномаси 1923 йилда та-шкил этилган бўлиб, унинг бор-йўри икки сони (март, апрель) чиққан, хо-лос. Биринчи саҳифасига «Учқун» журнали Бухоро шаҳрида ўзбек ти-лида ойда бир маротаба чиқарила-турган сиёсий, иқтисодий, илмий ва адабий журналдур. Бухоро халқ шўролари жумҳурияти халқ маориф назоратининг нашр афкоридир», деб қайд этилган. Ойноманинг кўриниши унчалик катта эмас. Қўқон қозғоғи ма-вис босмада чоп этилган. Материал-лари — маориф ишлари, таълим ва тарбия, таржиман ҳол, адабиёт ва иқтисодий ишлар рункуллари остида берилган. Ойноманинг дастлабки са-ҳифасидан (гап «Учқун»нинг иккинчи сони ҳақида бормоқда) 1923 йилда бўлиб ўтган I Бухоро халқ маориф курултойида Фитрат томонидан қил-линган маъруза ўрин олган. Маълум-ки, Фитрат 1923 йилда Бухоро халқ шўро жумҳуриятининг маориф халқ назари бўлиб ишлаган эди. Маъруза-да Бухоро халқ маориф назорати олдига турган талаблар вазибалар — энди мектаблар ташкил этиши, хотин-қиз мектабларини қўлайтириш, жум-ҳуриятда яшовчи туркманларни ўқи-тиш кабилар хусусида фикр баён қил-линган.

Биламизки, Абдурауф Фитрат қата-гон қилинган йилларнинг қурбонла-ридан бири бўлган эди. Унга қўйил-ган бир қанча айблар ичда «миллат-

чингдек, бола тарбиясига бағишлан-ган «Таълим ва тарбиянинг таърифи» мақоласидир. Қизиги шундаки, ойно-мада шулардан бошқа бевосита ма-ориф масаласига тегишли бошқа би-рор нарса йўқ.

Шунга қарамай, турли мавзулар-даги қолган мақолалар ойноманинг маориф нашри сифатидаги қадрини сира пасайтирмайди. Мисол учун, Абдулмумин Сатторийнинг «Боқир-қон», Садриддин Айнийнинг «Бухоро инқилоби тарихи» деб номланган ани-я йирик мақоласи (тўғрироғи, бу С. Айнийнинг 1920 йилда ёзилган «Бу-

Тарихимиз солномасидан ТЕЗ СЎНГАН «У Ч Қ У Н»

жиали ҳолимиз русча билмаслиги-миздекдур. Иқтисодий, сиёсий ҳаёти-мизни янги асосларга қўймоқ учун биз ҳар қадамда бир даъва русча учраймиз: руснинг фикри, руснинг мутахассиси, руснинг китоби, мақо-ласи, назарияси, раҳбарни бизга доим бўлиб қоладур. («Учқун», 2-сон, 1923 йил, 5-б).

Кўриниб турибдики, Фитрат бугун-ги кунда миллатлараро муносабат воситасига айлиниб қолган рус тили ролинини ўша даврдаёқ анча чуқур и-дрок эта олган экан. Бу эса, ўз нав-батида, унинг устидан кўзгатишган жинсий иш, «миллатчи» деб ёзилган кўплаб саҳифалар асосиз бўлганли-гини яна бир қарра исбот этади.

«Учқунда» маориф ишларига оид яна бир мақола бор. У Бухоро мат-буот ва нашриёт ишларининг ташки-лотчиларидан бири Мухаммад Сайид Аҳрорийнинг таълим ва тарбиянинг амалий ҳамда назарий моҳияти, шу-

хоро инқилоби тарихига доир мате-риаллар» асаридан боллардир. Чема-си, ойноманинг таҳрир ҳаёти ва ба-асарни тўла босмоқчи бўлган бўлса керакки, унинг сўнги «Битмади» деб ёзиб қўйилган) билвосита аде-биёт ва тарихга тааллуқлидир.

«Учқуннинг» адабиёт саҳифаси ҳа-қида гапириндан олдин, шу нарсага қувонч билан таъкидлаш жоизки, қайта қуриш, қонганини, миллий ў-зганини аниқлаш жарёида халқимиз-нинг бир қатор атоқли адибларининг табаруқ номларини тиклаб олишга муваффақ бўлди. Энди, мазкур ижодкорлар адабий меросини кенг жамоатчиликка етказишдек улкан иш бизнинг зиммамизга тушмоқда. Лоа-қил, болларимиз олдигаги фарзанд-лик бурчимизни адо этишни хоҳла-сек бу ишни сира пайсалга солмас-лик зарур.

Шубҳасиз, 20-йиллар ўзбек вақтли матбуоти саҳифаларида Боту, Элбек, Усмон Носир ва бошқаларнинг кўп-лаб асарлари эълон қилинган. Улар-нинг асарлари кўпчиликка маълум эмас. Масалан, биз фикр юритётган ойномада Фитратнинг «Қор» ва Чўл-понинг «Эркинлик истаги» шеърлари берилган. Биз, айни чоғда Фитрат шеърларидан тузилётган тўпламга унинг бу шеъри кирган-кирмаганини, гидан бехабаримиз. Аммо Чўлпон шеърини ҳақида ёзиб, хурматли олими Ахмад Алиев шундай дей-ди. «Чўлпон шеърини эркинлик мавзуи алоҳида оҳанг билан энг кўп ўринини эгаллайди. Чўлпон шoirнинг виждон эркинлигини ҳамма нарсадан юқори қўяди ва эркинлини даярли барча шеърларида бирор йўсинда тилга олмай ўтормайди». Дарҳақиқат, «Учқундаги» шoirнинг «Эркинлик истаги» шеъри олим фикрининг тўла тасдиғи бўла олади.

Ойномада яна бир адабимиз — Гулом Зафарийнинг «Гулу» достони ҳам ўрин олган. Гулу ва Турсуннинг бағубор муҳаббатидан маҳд этувини бу асар, балки шoir таваллудининг 100 йиллигига тайёргарлик қўриляёт-ган шу кунларда яна бир бор матбуот юзини кўрар.

«Учқун» ҳақидаги қисқача фикри-мизга яқун асар эканмиз, беихтиёр Энг Сандининг «Ўзбек матбуоти тар-ихи» материаллар (1870—1927 йил)» асарига мазкур ойнома хусусидаги: «Бу журнал тўғрисида дуруст маълум-от ола билмасдик деган сўзларини эсладик. Зеро, биз ҳам ўқувчида ой-нома тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қилдик деган даъводан ироҳимиз. Негаки, қайд этилган маълумотлар ойноманинг қўлимиздаги мазкур иккинчи сонидан олинди. Ҳарқалай, унинг биринчи сони тўғрисида ким-нидир яна бир мақола ёзишига умид қилгимиз келади.

Носир ЖУРАБОВ, Тошкент автомобиль ва йўллар илм-гоҳи КПСС тарихи кафедраси ўқи-тувчиси.



БОЛАЛАР ҲУЗУРИДА

Шаҳримиздаги 21-болалар уйида Улуғ Октябрь соци-листтик инқилобининг 73 йил-лигига бағишланган катта байрам бўлиб ўтди. Шу кун болалар уйининг бирорта ҳам тарбияланувчиси совғасиз қолгани йўқ. Уларга қўғир-чоқлар, китоблар, ўйинчоқлар ҳада этилди. Совғаларни Ўз-бекистон ССЖ халқ таълими вази-рининг ўринбосари Х. К. Йўлдошев, шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Т. А. Акромова ва бошқалар топширишди.

Ана шу мақсад учун Ўзе-бекистон ССЖ Молия вази-рини 50 минг сўм пул ажрат-ди. Савадо вазири билан «Ўзбекбирлашув» совғалар ва эсдалик буюмларини тайёр-лаб берди.

А. Горюкин (ЎЗАТАГ) сурати.

Болалар уйи тарбияланув-чилари ҳузурида Тошкентдаги Островский номили Пионерлар саройининг «Юлдузча» бола-лар дастаси қатнашчилари концерт қўйиб беришди.

Байрам арафаси кунлари худди шундай тадбирлар жумҳуриятимизнинг бошқа болалар уйлари ва мактаб-интернатларида ҳам бўлиб ўтди.

СУРАТДА: 21-болалар уйи тарбияланувчиларига Ўзе-бекистон ССЖ халқ таълими вази-рининг ўринбосари Х. К. Йўлдошев совғаларни топ-ширмоқда.

А. Горюкин (ЎЗАТАГ) сурати.



Гулли гул ё сизми гул, қизлар? Р. Шарипов сурат-лавҳаси.



Шодлик бир зум сизни қилмайди қанда,
«Лазги»нинг қизлари рақс тушганда!

С. Маҳкамов сурат-лаҳзаси.

Муסיқали ТОМОША

● САНЪАТКОР А. Берлин серкӯеш жу-хуриятинида яшаб, ба-рақали ижод қилиб ке-лаётган таниқли баста-корлардан бири санала-ди. Унинг ижодида бо-лалар учун ёзилган му-сиқа асарлари ҳам та-лайгина.

Бу жозибали асар-лардан бир нечаси янгида Ўзбекистон дав-лат симфоник оркестри томонидан завқ-шафқ билан икром этилди. Бо-лалар хори жамоаси иштирок этган концерт дастури ҳам тингловчи-ларга манзур бўлди. Бастакорнинг болалар операсидан олинган парчалар ҳам янгради.

Бастакор юбилейга бағишланиб уюштирил-ган бу мусиқали томо-шага таниқли санъаткор И. Қончинов дирижёр-лик қилди.

Санъат ОБИДОВА.

МУХЛИСЛАР МАМНУН

● «ИЛҲОМ» театр-студияси ўз мухлисларини янги-янги сахна асарлари билан хушнуд этиш йўлида самарали изланиб қатор постановкаларга қўл урди. Яқин орада сахнавий талқинини топадиган навбатдаги спектакль «Тир-рик пионирчи ва ўлик жонлар учун концерт» деб атала-диган бўлди.

Томошабинни турли ўйлар гирдобига олиб кирувчи бу янги постановка устида санъат қошонасининг етакчи ижодкорлари қизгин иш бошлашди. Таниқли режиссёр С.Вайль бошчилигида сахна юзини кўрадиган бу асарга тошкентлик истеъодли бастакор Д. Янов-Яновский оҳанг-ларга бой мусиқа ёзиб тугатди.

Саодат ОДИЛОВА.



Она бўлмаганда қаерда байрач.

Чирой очмас эди бу кўҳна олам.

Қабул айланиб, дилбар гулминия.

Унга қўшиб бердим кўнглимни!

С. Маҳкамов сурат-лаҳзалари.



сеанс ўтказилмаслиги Цукер-торгта маълум бўлади. Аммо Иоганн бундан ас-хушини йўқотиб қўймади, ўзи тантанали кутиб оли-ган зал сахнасидаги фор-тепьянога яқинлашди-да, унга чада бошлайди. Концерт мунаффақиятда ўтди. «Нью-Йорк таймс» рўзномасининг мустиқа тавдичиси ва шахмат шарҳловчиси Го-рольд Шинбергнинг шаҳод-ат беришича, Цукерторт

XX асрнинг машҳур мустиқа педагогларидан бири Игнац Мальелесининг шогирди эди.

Анвар ИНОҚОВ.

ОҚШОМХОНЛАР
ДИҚҚАТИГА:

«Тошкент оқиш» рўзно-масининг навбатдаги сони 10 ноябрда чиқади

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТИҲЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎРТА ОСИЕ «ГРАНИТ»
МОНТАЖ-ТЕХНОЛОГИЯ
БОШҚАРМАСИГА
ДОИМИЯ ХИЗМАТ
САФАРЛАРИ БИЛАН
БОЎЛИҚ

ДОИМИЯ ИШГА:
радиомуҳандислар, алоқа муҳандислари, электрончи муҳандислар, радиоалоқа техниклари.

Меҳнат ҳақи — ойига 300-400 сўм;

III—VI алоқа ускуналари монтажчилари, III—VI раз-рядли чилангарлар, автокран-чилар, III—VI разрядли ав-точилангарлар, I—III класс ҳайдовчилари, III—VI раз-рядли токарлар керак.

Меҳнат ҳақи — ишбай-му-кофотли.

Маълумотлар олиш учун Чилонзор ноҳия инша жо-лаштарини бўлимига (Чилон-зор даҳаси, 2-мавзе, 3-уй) му-урожаат қилинсин.



МУТАХАССИСЛАР
ВА КИТОБСЕВАРЛАР
ДИҚҚАТИГА!
28 — «ДУСТИК»
ДУКНОНИДА
САВДОДА

РУСЧА-ХИТОНЧА ЛУҒАТ
(КНР нашри). Баҳоси — 15 сўм 22 тийин.

Дукон манзили: Тошкент шаҳри, Ленин шохқўчаси, 40-уй.

Маълумотлар олиш учун телефон 56-44-40.

«ТЕХНОЛОГ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг АХБОРОТ - ХИСОБЛАШ МАРКАЗИ

ЯНГИ (1989 йилда чиқарилган), ҳозирги вақтда иш-латилиб турган ЕС-1048 электрон ҳисоблаш машина. сийи

СОТАДИ

Сотиладиган комплектли-лиги (тўлдирилганлиги) ва баҳоси келишув орқали бел-гиланади.

39-48-87, 39-47-80 теле-фонлари орқали маълумотлар олиш мумкин.

Ўзбекистон ССЖ «БИЛИМ» жамияти идораси

МАЪРУЗАЧИЛАР УИИДА

ҳар кунини соат 10 дан 20 гача катта амалий таърибга эга бўлган, Жуна Давиташви-ли услуби бўйича қўл тек-намаий уфаландиган мутаха-ссислар беморларни қабул қи-ладилар.

Манзилими: Тошкент шаҳ-ри, А. Қодирий кўчаси, 13-уй, Маърузачилар уйи.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-55-32, 44-62-60.

Чилонзор ноҳияси халқ таълими бўлими 291-болалар таълимнинг йўқолган

ТАМҒАЛИ МУҲРИ ТУҒ-РИ БУРЧАКЛИ ИШТАМИ ВА КАСАВА УЮШМАСИ КОМИТЕТИНИНГ МУҲРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Промжилводстрой» трести 2-кўча механизациялашган колоннасининг йўқолган

ТАМҒАЛИ МУҲРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Қашқадарё вилояти, Чи-роччи ноҳияси С. М. Киров номида ўрта мактаб томоши-дан Латипова Гулсара Са-довна номига берилган Г—331601 номерли йўқолган ўрта маълумот тўғрисида

аттестат

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССЖ монтаж ва махсус курилиш ишлари ва-зирлигининг ўқув маркази

Газэлектрйивадчилар ва техноложик ускуналарнинг монтажчиларини тайёрлайди-ган курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқуш даврида 130 сўм ҳажмида стипендия туланади. Ўқуш муддати — 6 ой.

Бошқа шаҳардан келган-лар ётоқхона билан таъжип-ланадилар.

Курсларни битирганлар 93-китвосозлаш трестининг «Энергомонтаж» Тошкент монтаж бошқармасига ишга жойлаштириладилар.

Маърузачилар — гуруҳлар тўлишига қараб бошланади. Манзилими: Тошкент шаҳ-ри, Фрунзе кўчаси, 6-ўй (метронинг «Ҳамид Олим-жон» станцияси) Телефон-лар: 33-78-87, 33-49-04.

Ўзбекистон ССЖ театр арбоблари уюшмаси «ЎЗБЕКИСТОН ЮЛДУЗЛАРИ» ТЕАТР-СТУДИЯСИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТ-ЛИГИ САРОИИДА

13, 14, 15 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

Олмаота шаҳридаги машҳур эстрада усталари ва Қозо-ғистон телевидениеси «ТОМОША» телевизион дастури-нинг бошловчилари иштирокида

(Қозоғистон ССЖ Олмаота шаҳри)

ҲАЖВИЯ ВА ҲАЗИЛ КЕЧАСИ

ДАСТУРДА:

БАУРЖОН ИВРОХИМОВ, УАЭС СУЛТАНГАЗИН, ТҒҚСОН ҚУЛИБЕКОВ, ДОНАГУЛ ТЕМИРСУЛТОНО. ВА ва бошқар катнашадилар.

«ТОМОША» дастурининг сахналаштирувчи-режиссёри ЛУҚОНОВ ЕСЕНОВ.

Касса ҳар кунини соат 11 дан 19.00 гача ишлайди. 32-35-53 телефони бўйича оммавий талабномалар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

7 — 11 НОЯБРЬ

КУНЛАРИ

СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ

КАТТА БАЙРАМ

ТОМОШАЛАРИ

якки бўлимдан иборат ранг-баранг дастур

ТОМОШАЛАР:

7, 8, 9, 10 ноябрда соат — 11, 14, 17.00 да

БОШЛанаДИ:

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда.

ВОЛАЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИ-СИНИНГ ТАЛАБНОМАЛАРИГА НАВВАТДАН ТАШ-ҚАРИ ХИЗМАТ КўРСАТИЛАДИ.

Касса дам олиш кунини соат 10 дан 20.00 гача иш-лайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-29-04.

Цирк фойесида сураткашлик салон ишлаб турибди.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА

25, 26, 27, 28 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ЖАМҒАРМАСИ «ЎЗБЕКИСТОН ЛКЕИ «ЕШЛАР УЙИ»

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОСИ ҚўМИТАСИ

«ПУШЕН» овоз ёзиш студияси ҳамкорлигида

АНЪАНАВИЙ

«КАМОЛЮТ — 90»

ЖУМҲУРИЯТ КўРИК-ТАНЛОВИНИ УТҚАЗАДИЛАР ЯНГИ ОВОЗ ВА ЯНГИ ИҚТИДОР СОҲИБЛАРИ-НИНГ ЭНГ ЯНГИ ҚўШИҚЛАРИНИ БИРИНЧИ БўЛИБ СИЗ ШУ ЕРДА ТИНГЛАЙСИЗ.

Сиз ўзингизга янги санъат юлдузини кашф этиб, ўз севилигинизга биринчи бўлиб янги қўшиқ ҳада этасиз. Ва ноябр 10 ва 11 декабрь кунлари соат 18 ва 19.30 да сиз «КАМОЛЮТ-90» кўрик-танловида қўшиқларингизни ҳи-соби томошаларида иштирок этиб, санъат соҳибларининг ижодлари билан чуқурроқ танишиб ижтимоийга эга бўла-сиз.

КўПЧИЛИК БўЛИБ КЕЛИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат қилиш учун телефонлар: 45-93-63, 41-45-20. Чинталар соат 11 дан бошлаб сотилади.

8 НОЯБРДА

БАДИИЯ ФИЛЬМЛАР: Санъат саройи — «ИШҚ ТўР-ЛАРИ» (катта зал, 11.30, 16, 18.30, 20.40), «СЕВГИ ЭҲРОМИ» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайна — «ВУНДАЯ ЯШАВ БўЛМАЙДИ» (13, 17.00), «ЯККА-МА-ЯККА» (11, 15.15, 19.15, 20.45).

Восток — «ИШҚ ТўРЛАРИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40).

Москва — «ТАНҲОЛИККА МАХЖУМ ЭТИЛГАН» (11, 13, 15, 17, 19, 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ШАО-ЛИНЬ ЛАМАГА ҚАРШИ» (жуфт соатларда).

К. Ерматов номи — «ИШҚ ТўРЛАРИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Тошкент Советининг 30 йил-лиги — «ЕНГИЛМАС ОЕҚ» (17, 19.00).

7 НОЯБРДА

БАДИИЯ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ИШҚ ТўР-ЛАРИ» (катта зал, 16, 18.30, 20.40), «СЕВГИ ЭҲРОМИ» (ки-чик зал, 17, 19.30).

Чайна — «ВУНДАЯ ЯШАВ БўЛМАЙДИ» (17.00), «ЯККА-МА-ЯККА» (19.15, 20.45).

Восток — «ИШҚ ТўРЛАРИ» (16, 18.30, 20.40).

140, 390 нусхада чоп этилади. Индекс 64690. Д — 2201 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

Қани, теароқ кийинсинлар, хоним!

— Вой, тинчликми, адаси?

— Ананг қараганининг чўнтаги қаппай-ган кун бугун! Магазинларни бир айла-найлик, кунгиллари нимани тусаса, ҳам-масини муҳайё қиламан.

— Тилло занжир ҳам обераисизми?

— Ҳа!

— Ингичка пошна туфлича?

— Ҳа, дедимку, ҳа!

— Фаранги атрининг ҳиди зўрда-а?

— Бўпти, бўпти, обераман. Теароқ, имилламансангчи...

— Хўп, хўп, адаси. Аммо... ҳалиги... пулни қаердан олдингиз?

— Э, мунча эзмаландинг, боғини су-риштириб нима қиласан? Байрам муно-сабати билан мукофот беришди.

— Ҳа, ҳа, тушундим, адаси... Мана, мен тайёр!

Эр-хотин йўлга тушдик. Автобус ти-қилинч. Олаговур авжда. Аммо менинг қўлогимга ҳеч нима кирмасди. Ўз хай-ларим билан бандим. Рафиқанинг бе-жирим туфлини кийгач, бўйинга тилло занжирини тақиб, тошона олдида ўзига оро бераётгани кўз ўнгимдан ўтиб, беих-тиёр жилмайиб қўяман, фаранги атри-

НАСИЯ СОВҒА

Ҳажвия

нинг ҳиди гуп этиб, димоғимга урилади: уф, мунча бадбўй! Мундоқ ўзинга ке-либ қарасам, олдимдаги ўриндиқда бир пиянста бошини қийшайтириб хуррак отаяпти. Бу бадбўй ҳид ароқиникими ёки бошқа нарсанинг сасини, ёки бўлиб бўл-мас, аниқ олиб автобус ҳам жунда се-кин имиллади.

Ният этиб келдик. Эр-хотин ҳовли-қиб ўзимизни «Совғалар» дўконига ур-дик. Эвоҳ, не кўз билан кўрайликки, пештахталар бўм-бўш. Сотувчи — юла-рига, лабига, қош-қўзларига ҳар хил ранглар чаплаб олган, бармоқлари, бўй-ни ва қулоқларида тилло буюмлар ял-ял ёниб турган олифта хоним бир бур-чада мудраб ўтирибди.

Ҳайрон бўлиб турувдик, бизга ўшан-ган мижозлардан бири гап қотди:

— Бу эрдан ҳеч нима тополмайси-лар, ҳозир қимматбаҳо совғаларнинг ҳаммаси чайковда. Хў, анови бузилаётган эски иморатнинг орасига ўтинглар.

Бордик. Эҳ-ҳе, бу ерда чумчуқнинг су-тидан бўлак ҳамма нарса бор экан.

— Адаси, ана тилло занжир!

Яқинлашиб нарҳини сўрадим.

— 600 сўм, сўрайверинг...

— Нима, атиги 120 сўмлик матоҳ-а? Яхшиямки, рафиқам савдомга устида йўқ эди, уни қайси бир чайковчининг қў-лидаги узунки томоша қилаётган ҳола-тада кўриб, ичмамдан зил кетдим, мукофо-тим нари турсин, ҳатто унинг ёнига а-чадан буён тўплаб юрган жамғаримни қўшганимда ҳам мен ваъда қилган сов-ғаларнинг лоанал бирортасига етмас экан. Нима қилдим энди? Тўсатдан бир фикр хайлимга келди: уйдирман шундай бошлайки, хонимнинг ўзлари мен ваъда қилган байрам совғаларидан воз кечсин.

Ҳовлиқиб унинг олдида бордим:

— Юр аяси, кетдик.

Мендаги ҳажжон унга ҳам кўчди.

— Нима гап, тинчликми?

— Юр, юр, чекнароққа чиқайлик, га-пириб бераман.

Чайковнинг нариги томонига ўтгани-мизда ваҳимали овоз билан пичирладим:

— Ўлдириб кетишибди!

— Йўте, кимни?

— Ўз қўлогим билан эшитдим: бир қиз тилло занжир тақиб, кўчага чиққан экан, икки ногул йигит ўша тақинчоқ билан уни бўғиб ўлдириб, занжирини олиб кетишибди.

— Епирай... Э, занжирни ордона қол-син. Юриг бир узук кўрдим, ўшани ола-ми.

— Нима, жинни-пинни бўлдингми? Еки Гулноранинг фожиаси бошинга тушсинми?

— Қанақа Гулнора?

— Биздан тўртта бино наридаги иш-хонада ишлайдиган қиз, Ўғриллар унинг узукларини бармоқларини кесиб оли-шибди...

— Е қудратингдан...— Содда рафиқам шоша-пиша меҳнатда чайри чиқиб кет-ган қадоқ қўлларига қаради, — бармоқ-ларини хамир қориб бўларканми? Тил-ло-пиллонганинг менга кераги йўқ. Ана, ажойиб туфлилар сотишотди. Бит-та туфли деб оёғимни кесиб ташлашмас-ахир?

— Бўпти, юр.

Бироқ бу ерда ҳам омадим келмади. Естидишим кўшдан орзу қилиб юрган ингичка пошна зартуфли ёнига яқинла-шиб бўлмасди: бундоқроғи 250 сўм. Илож қанча, хотинни хафа қилиб бў-майди, яна уйдирмага ўзимни урдим.

— Чиройли-а, адаси, — деди рафи-қам қўлидаги туфлига қақноқ кўзлари билан тикилиб, — оёғимга ҳам лопла-лойиқ келди...

— Яхшию, аммо пошнаси жуда нозик экан.

— Нима бўпти? Менга ёқди...

— Гап сенга ёриш-ёқмасликда эмас. Меҳри чўлоқнинг кунига тушиб қолсан-ми, деб кўрчялман.

— Ким у чўлоқингиз?

— Аслида чўлоқ эмас. Шу ингичка пошна туфли ўлгур туфайли ана шун-қа иснодга қолди.

— Иснод?

— Ҳа. Бир кунини ишта кетаётиб, туф-лисининг пошнаси узлаб тушибди. Би-ласанку, ҳозиргилар ҳамма ярасини қў-лида қилишади. Шундай қилиб, Меҳ-рихон орқага найтай деса, ишта ке-ч олади, қайтай деса бир пой туфлининг пошнаси йўқ. Бунинг устига кўз, ёмғир ёғаяпти. Воре, деб бир оёғида пошна-ли, иккинчисидо пошнаси туфлида чиқиб-тушиб ишхонага равона бўлибди. Аксига олиб уни ҳаммасаблардан бири кўриб қолди. «Ҳа, нима бўлди, опа» деб сўраган экан, Меҳрихон охирини ўйла-май-нетмай «Оёғим лат еди, чўлоқ бу-либ қолмасам гўрға эди» дебди. Шу-шу уни ҳозир ишхонасида ҳамма «Олифта чўлоқ» дейдиган бўлишибди. Ана шун-ча, хотин...

— Ҳа-а, — деди рафиқам хайл су-риб, — ҳозир сон кетидан қувиб, си-фати эсдан чиқариб қўйишган. Бунақа шарманда бўлгандан кўра зартуфли ний-май ўтганим бўлсин. Майли, фаранги атиридан олиб берақолинг. Байрамга шу ҳам бўлаверади.

Атторлик дўконига кирдик. Бу ерда ҳам эрақлар одеклонидан бошқа ҳеч нима йўқ экан.

— Балки қўлда бордир? — деди умр йўлдошим. Мен эса шоша-пиша:

— Йўқ, қўлда йўқ экан, ҳали атай-лаб раэм солдим, — деб юборганимни сезмай қолибман. Шу гапни айтишга айтдимку, ялт этиб хотиннинг чеҳра-сига қарадим: у хафа бўлиш ўрнига не-гадир майин табассум қилиб турарди.

— Майли, адаси, қуруқ кетмайлик. шу одеклондан иккитасига олиб бера-қолинг. Сизнинг соқол-покол қиртиш-лашингизга яраб қолар...

— Не, совгани сенга олмоқчи эдикми?

Шу кунини ошхонада байрам дастурхо-нига таратилган қўраётган қайнонаманинг қизига гап унтраётганини бехосдан эшитиб